

Узбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2022 йил
14 январдаги 02/10-кп- сон
муассис қарорига
1-илова

“НАВОИЙУРАН” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮГРИСИДА
НИЗОМ

Навоий – 2022 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом (кейинги ўринларда – Низом) Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тұғрисида”ги, “Навоийуран” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда – корхона) уставига ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилған бўлиб, корхона Кузатув кенгашининг мақомини, ваколатларини, хуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Корхонанинг кузатув кенгashi корхона фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва корхона устави билан муассиснинг ваколат доирасига киритилған масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Корхона кузатув кенгashi ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, корхона устави ва мазкур низомга асосан амалга оширади.

II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

2.1. Корхона кузатув кенгashi аъзоларининг сони 7 та (етти) кишидан иборат.

2.2. Корхона кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

2.2.1. корхонани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича курилаётган чора-тадбирлар тұғрисида корхона ижро этувчи органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшлитиб борган ҳолда корхона фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.2.2. янги очилган ва ишлаб турган конларда табиий уран ва нодир металларни қазиб олишни ўзлаштириш ва кенгайтириш мақсадида корхонани ривожлантиришнинг ўртач ва узоқ муддатли дастурларини маъқуллаш;

2.2.3. замонавий илмий-техник ютуқларга мувофиқ модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар амалга оширилишини назорат қилиш;

2.2.4. корхона фаолиятининг ҳар йиллик ишлаб чиқариш бизнес-режаларини, инвестиция дастурларини ва бошқа ташкилий-техник чора-тадбирларни маъқуллаш, шунингдек, уларнинг бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

2.2.5. корхона молия-хўжалик фаолияти ўрганишини мустақил эксперталар ва аудиторларни жалб этган ҳолда ёки ички аудит хизмати томонидан ташкил этиш;

2.2.6. аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.7. кўшма корхоналар ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

2.2.8. корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ижро этувчи органнинг ҳисботини йилнинг ҳар чорагида эшитиш;

2.2.9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Корхона бош директорини ёллаш тўғрисида муассиснинг номидан меҳнат шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш;

2.2.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

2.2.11. ижро этувчи орган фаолияти тартибини белгилаб берадиган ҳужжатларни тасдиқлаш;

2.2.12. миқдори корхона активларининг 10 фоизидан ортиқни ташкил этадиган мол-мulkни сотиб олиш ва ўзгага бериш билан боғлиқ битимлар тузилишини маъқуллаш.

2.2.13. кузатув кенгашининг қарори бўйича кузатув кенгаши аъзолари корхона фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва кузатув кенгашига юклangan мажбуриятларни ижро этиш учун уларни ижро этувчи органдан талаб қилиш хуқукига эгадир. Олинган ҳужжатлар кузатув кенгаш ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

2.2.14. мол-мulkning бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.2.15. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.2.16. корхонанинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.2.17. қонунчиликда назарда тутилған ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда корхонанинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.18. корхонанинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда тузиш;

2.2.19. корхонанинг раҳбар лавозимларига танловлар регламентини тасдиқлаш, ижроия органи раҳбари ва унинг аъзолари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

2.2.20. ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

2.2.21. ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

2.2.22. корхонада корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

2.2.23. муайян масалалар бўйича кузатув кенгашининг қўмиталарини ташкил қилиш;

2.2.24. қонунчилик ва корхона уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.3. Корхона кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун корхонанинг ижро этувчи органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. Кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан илгари тугатиш

3.1. Корхона кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Корхона уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга сайланади.

3.2. Корхонанинг Кузатув кенгashi таркибиغا сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

3.3. Корхона ижро этувчи орган аъзолари, унинг тобе хўжалик корхоналарида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу корхоналар бошқарув органларининг аъзолари корхонанинг кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.

3.4. Айни шу корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар корхонанинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Кузатув кенгашининг аъзолари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда муассиснинг қарори билан тасдиқланади.

3.6. Корхона кузатув кенгашининг аъзоси у сайланган кундан бошлаб, Корхонанинг аффилланган шахси деб эътироф этилади. Шунга мувофиқ, у сайланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай мазкур низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида корхонани ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

3.7. Корхона кузатув кенгashi аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қонунчиликда ва корхона уставида назарда тутилган тартибда муассиснинг қарори билан амалга оширилади.

3.8. Корхона кузатув кенгашининг аъзоси куйидаги шартларда вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

ўз мавқеидан корхона манфаатларига зарар етказган ҳолда шахсий мақсадларида фойдаланиш;

корхона ва муассиснинг манфаатларига зид равишда иш тутиш;

ўзига маълум бўлган корхона фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотини ошкор этиш, унинг бошқа шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишларига йўл қўйиш;

корхона кузатув кенгашининг мажлисларида, Кузатув кенгashi қошидаги қўмиталарнинг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаслик;

у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яшириш.

IV. Кузатув кенгashi аъзолиги учун номзодларга қўйиладиган талаблар

4.1. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида бенуқсон ишчанлик ва шахсий обрў-эътиборига эга бўлган ҳамда кузатув кенгashi ваколатига тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ва кузатув кенгashi функцияларини самарали бажариш учун талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

4.2. Куйидаги малака талабларига эга бўлган шахс корхона кузатув кенгashi аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

корхона фаолияти соҳасида олий таълим ёки илмий даражанинг, ёинки бошқарув (менеджмент) соҳасида қўшимча таълимнинг мавжудлиги;

корхона фаолиятига тегишли бўлган тармоқда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

раҳбар лавозимларида, шу жумладан кузатув кенгашлари таркибларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

турли коллегиал органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг кузатув кенгashi қўмиталарида аъзолиги билан боялиқ маҳсус кўникмаларга эга бўлиши (кучли коммуникативлик кўникмалари, фаолиятни шаффофлик, холислик, конструктивлик ва профессионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар);

V. Кузатув кенгашининг раиси

5.1. Корхона кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгashi аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Корхонанинг кузатув кенгashi ўз раисини кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳакли.

5.3. Корхона кузатув кенгашининг раиси:

Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;

Кузатув кенгashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Кузатув кенгаши мажлислирида баённома юритилишини ташкил этади;

5.4. Корхона кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

VI. Кузатув кенгашининг мажлислирини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6.1. Корхона кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, корхона муассиси, кузатув кенгаши, ижро этувчи органи аъзосининг, шунингдек корхона уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

6.2. Корхона кузатув кенгаши мажлислирини ташкил этиш ва ўтказиш пухта ишланган режа асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай режани кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижро этувчи органи, зарурат туғилганда, корхонанинг аудитори ва ички аудит хизматидан келиб тушган таклифлар асосида кузатув кенгашининг раиси шакллантиради.

6.3. Корхона кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Корхона кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлислирини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

6.4. Корхона кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажлисда мажбурий тартибда қуидаги масалалар кўриб чиқилади:

Корхона ижро этувчи органининг корхонанинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, корхонани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, корхона томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги, корхона асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ корхоналари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, корхона томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари;

ички аудит хизматининг ҳисботи;

6.5. Корхона кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум корхона кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 2/3 (учдан икки) қисмидан кам бўлмаслиги керак.

6.6. Корхона кузатув кенгаши аъзоларининг сони корхона уставида назарда тутилган миқдорнинг 2/3 (учдан икки) қисмидан кам бўлган тақдирда, корхона кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун корхона муассисининг тегишли қарори қабул қилиниши шарт.

6.7. Корхона кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. корхона кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.8. Куйидаги қарорлар корхона кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўгрисидаги қарор;

корхонанинг аффилланган шахслари билан тузилаётган битимни маъкуллаш ҳақидаги қарор;

сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган карорлар.

6.9. Корхона кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.10. Корхона кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгashi томонидан қарор қабул қилишда корхона кузатув кенгashi раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.11. Корхона кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн иш кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

6.12. Корхона кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган корхона кузатув кенгashi аъзолари ҳамда мажлис котиби томонидан имзоланади. кузатув кенгashi аъзолари мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Корхона кузатув кенгashi мажлисларига котиблик қилиш ва баённома юритиш вазифасини кузатув кенгashi томонидан тайинланган шахс бажаради.

6.14. Корхона кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) корхона кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг мажлисида ҳозир бўлмаган кузатув кенгashi аъзосининг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатга олинади ҳамда замонавий

ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алоқа, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва х.к.) фойдаланган ҳолда кузатув кенгаши аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда йўлланиши ва олиниши мумкин. Корхона кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўtkазилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўrsатилади.

6.15. Корхона кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш жойидан ташқарида бўлган кузатув кенгашининг аъзолари, уларга Корхона кузатув кенгаши мажлисида масалаларни муҳокама қилишда иштирок этишга имконият бериш учун, видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб мажлисда иштирок этишлари, шу жумладан масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Корхона кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўtказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўrsатилади.

6.16. Корхона кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Корхонанинг ижро этувчи органига ижро этиш учун топширилади.

VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7.1. Кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда корхонанинг фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

корхонага, шунингдек, унинг шуъба ва тобе юридик шахсларига оид ҳар қандай ахборот (хужжат ва материаллар)ни Корхона ижро этувчи органидан талаб килиш ва олиш;

кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаш мажлиси баённомасига киритишни талаб килиш;

кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф килиш;

кузатув кенгаши ва корхонанинг бошқа коллегиал органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

қонунчиликда ва корхонанинг ички хужжатларида белгиланган тартибда кузатув кенгашда ишлагани учун мукофот ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш.

7.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Корхонанинг манфаатларини кўзлаб вижданан ва

оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган маҳфий маълумотларни ва хизмат хамда тижорат сирини ташкил этувчи корхона хужжатларини ошкора қилмасликлари лозим.

7.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеини ва корхона фаолияти ҳакида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим.

7.4. Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисида қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса кузатув кенгаши аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қиласди. Бир вақтнинг ўзида кузатув кенгаши аъзоси мазкур низомга мувофиқ кун тартибидаги масалалар юзасидан ёзма фикрини юборишга ҳақли.

7.5. Аффилланган шахс бўлган кузатув кенгашининг аъзоси корхона билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали корхонани хабардор этиши шарт.

7.6. Кузатув кенгаши аъзолари корхона имкониятлари (мулкий ва номулкий хуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, корхонанинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш хуқуқига эга эмас.

7.7. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек корхона манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

7.8. Кузатув кенгаши аъзолари куйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим:

жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти - кузатув кенгаши аъзосидан вижданан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилиш;

содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти - кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш мажбурияти - кузатув кенгаши аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти - кузатув кенгаши аъзосидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилиш.

VIII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

8.1. Корхона кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда корхонанинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

8.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг корхона олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Корхонага зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган корхона кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Корхона корхонага етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан корхонанинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

8.5. Корхонанинг кузатув кенгаши аъзоси қўйидагилар натижасида корхонага етказилган зарап учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

конунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

корхонага зарап етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни тақлиф этганлик, шу жумладан корхона билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни тақлиф этганлик.

IX. Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш

9.1. Корхона кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

9.2. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ва муассис томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади.

9.3. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш миқдорлари улар корхона фаолиятининг тегишли соҳасини ривожлантиришга қўшган шахсий хиссасини инобатга олган ҳолда белгиланади.

9.4. Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдори корхона молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлиқ ҳолда тўланади.

9.5. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ тұғрисидаги ахборот қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилиши лозим.

X. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси

10.1. Корхона кузатув кенгаши таркибиға 2 нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

10.2. Куйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида корхонада ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;

корхонанинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш микдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага teng амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

корхона ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

корхонанинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичидаги уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка оловчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

10.3. Корхона кузатув кенгашининг мустақил аъзоси сифатида сайланиши учун, қуйидаги шахслар таклиф қилиниши мумкин:

профессионал корхоналар ёки ташкилотларнинг аъзолари бўлган шахслар;

олий таълим ва/ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари;

ушбу корхона билан боғлиқ бўлмаган (аффилланган бўлмаган) бошқа ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳисобланган, корпоратив қонунчиликни биладиган ҳамда корпоратив бошқарув усувлари ва тамойилларидан хабардор бўлган шахслар;

сўнгги уч йил мобайнида нафақада бўлган, ушбу корхонада узоқ вақт ишлаган ва корхонани бошқариш соҳасида катта тажрибага эга бўлган шахслар;

молиявий таҳлил ўтказиш, стратегик режалаштириш бўйича тажриба ва кўникмаларга эга бўлган чет эл мутахассиси.

XI. Яқунловчи қоидалар

11.1. Мазкур низом корхона муассиси қарори билан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

11.2. Ушбу низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар муассис томонидан тасдиқланади. низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар корхона ижро этувчи органи ва корхона кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

11.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, низомга ўзгартириш киритилгунга қадар корхона кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш юритадилар.